



# YOSHILAR OVOZI

## AKS-SADO

### ЕЛКАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ КАТТА

Фарзандни тарбиялаш катта иморатни куриш билан баробар. Бунда бор махоратингни ишга солмасанг самара чикмайди. Мактабгача ёш инсонда характер, қобилият ва кўникмалар шаклланди деган. Дунё ҳақидаги илк тушунчаларни ҳам бола шу пайтда олади. Бунда ота-она ва боғча тарбиячиларининг ўрни жуда муҳим. Демак, елкамиздаги масъулият қанчалик катта эканини ҳис қилмоғимиз даркор.

Президентимиз жорий йилнинг 30 сентябрь куни "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади. Унга кўра, тизим ходимлари хорижда ўқиши ва малакасини ошириши учун Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси тузиш кўзда тутилган.

Сир эмас, илгари боғча тарбиячилари меҳнатига яраша ҳақ олмасди. Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилган, бу ҳолатга чек қўйилди. Мана, энди янги жамғармага эга бўлялмиз. Унинг маблағлари соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришга ҳам йўналтирилиши айти мудао. Қолаверса, мактабгача таълим муассасаларини

белгиланган тартибда мақсадли курилишлар рўйхатида киритиш механизми жорий қилинган, ўйламанки, бу ҳам хусусий, ҳам давлат секторидида боғчалар салмоғи янада кўпаяди.

Президент қароридида вазирлигимиз негизидида "Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази" давлат муассасасини ташкил этиш вазифаси ҳам белгиланган. Бу эса, таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Яна шуни айтиш жоизки, бугун мактабгача ёшдаги болалар шахсини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар жуда оз олиб борилмоқда. Қолаверса, тизимда асосан хотин-қизлар фаолият кўрсатаётгани ҳам муаммо. Бугунги ислохотлар мазкур ҳолатни ўнглашга ҳам ёрдам берса, ажаб эмас. Зотан, болаларимизга таълим жараёнида ака ёки оталарча маслаҳат берадиган, дўст тугина оладиган йиғитлар зарур.

**Наргиза ТОЖИБОЕВА,**  
Мирзо Улугбек туманидаги  
419-мактабгача таълим муассасаси  
мудираси

## ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА



Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида 3 октябрь куни "Ипак йўлида туризм" 24-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик бўйича фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар мутахассислари, дипломатик корпус, хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, хунармандлар иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг доимий эътибори натижасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ соҳа ривожини учун қўлай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилаётган бўлса, 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони юртимиз туризм салоҳиятини ошириш, соҳага инвестициялар жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг халқаро ярмарка иштирокчиларига табригини Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳақимов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмаси изчил ривожланаётгани, туристларни кенг жалб қилиш мақсадида янги лойиҳа ва тармоқлар ишга туширилаётгани, замонавий кадрлар тайёрлашда Самарқанд шаҳрида очилган "Ипак йўли" халқаро туризм университети муҳим ўрин тутуши алоҳида кайд этилди.

Маълумотларга кўра, 2017 йилда дунё бўйича сайёҳлар сонини 1 миллиард 322 миллионни ташкил қилган. Бу 2016 йилга нисбатан 7 фоизга кўп демак. Бундай суръат 2018 йилда ҳам давом этиб, ўртача 4-5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Ушбу рақамлар жаҳон иқтисодиётида сайёҳлик соҳасининг нечоғлик муҳим ўрин тутушини кўрсатади. Зеро, туризм ресурслари табиий бойликлар каби вақт ўтиши билан қамаймайди, аксинча, омалашиб бораверади.

Тошкентда ўтказилаётган ушбу халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўзининг кўлами ва иштирокчилари сонини, миллий стандарда намоийш этилаётган кўргазмалар микдоси ва бой мазмуни билан ажралиб туради. Унда Қозғоғистон, Жанубий Корея, Хитой, Таиланд, Миср, Сингапур, Малайзия, Озарбайжон, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Чехия, Украина сингари қатор давлатлардан 60 га яқин фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

Тошкент туризм ярмаркасида иккинчи бор қатнашаётган, — дейди Исроиқнинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор

элчиси Эдуард Шапира. — Айтишим мумкинки, бу галги тадбир олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Қисқа вақтда Ўзбекистонда туризм соҳасини жадал тараққий эттириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда кўп давлатлар қатори Исроиқ фуқаролари учун ҳам виза тартибининг бекор қилингани ана шундай муҳим ўзгариш сифатида кайд этмоқчиман. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4 мингдан зиёд исроиллик сайёҳ Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, бой маданияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда бу икки баробар кўп. Доимий тарзда ўтказиб келинаётган сайёҳлик ярмаркалари ушбу соҳадаги ҳамкорлигимизни юқори даражага олиб чиқиш имконини беради.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий уй-меҳмонхоналар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, темир йўллар ва авиатрашувчилар, туроператорлар, турагентлар, туризм соҳаси бўйича сайёҳлик хизматлари, музейлар ҳамда театрларнинг хизматлари намоийш этилмоқда. Ярмаркада маданий-тарихий, бизнес, спорт ва экологик саёҳатлар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, соғломлаштириш, гастрономик, экстремал, ёшлар туризми каби йўналишларга оид бўлимларда сайёҳлик соҳасининг барча замонавий йўналишлари қамраб олинган.

(Давоми 2-саҳифада)

## ESHITDINGIZMI?

### БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН



муносабатда бўлиш вақти келди.

Президентимизнинг 2018 йил 5 сентябрдаги "Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган 2018 – 2021 йилларга мўлжалланган Халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбири дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида MFOND.uz электрон платформаси яратилди. У орқали исталган шахс мамлакатимизда мавжуд Рауме, Урау, Click ёки Visa, MasterCard каби халқаро тўлов тизимлари орқали ўзи хоҳлаган мактаб ҳисоб рақамига ҳомийлик маблағини тушириши мумкин. Мактаблар эса, ўз навбатида, шу пул қайси мақсадда сарфланаётгани ҳақида онлайн ҳисобот беради. Бунақаси ҳали бўлмаган!

**Боборовшан ҒОЗИДИНОВ**

### БИР КИРИБ КЎРИНГ WWW.WAYU.UZга



#### Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг расмий сайти ишга тушди

Янги веб-ресурс www.wayu.uz электрон манзилида жойлашган бўлиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият олиб бормоқда.

Сайт орқали хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ёшларнинг муаммо ва интилишларини ўрганиш, улар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда чет элга чиқишни режалаштирган тенгдошларимизга керакли тавсиялар бериш ёки зарур қўлланмаларни тарқатиш кўзда тутилган.

www.wayu.uz ўн бешта бўлим — "Миграция қонунчилиги", "Хорижда таълим олиш", "Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хориждаги ҳуқуқи", "Волонтерлар учун" ва бошқалардан ташкил топган (кел-

гусида контент такомиллаштириб борилади, албатта). Фойдаланувчилар Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг фаолияти, тузилманинг хорижий мамлакатлардаги вакиллари ҳақида батафсил маълумот олиши мумкин.

"Форум" бўлимида эса, сиз хорижий мамлакатлар ёшлари билан турли мавзуларда мулоқотга кириша оласиз. Ёзишмалар аввал сайт модераторлари томонидан кўриб чиқилиб, кейин умумэйтиборга ҳавола этилади.

**Муқаддас МУСАЕВА**

## KUN MAVZUSI

### ТАКТИКАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Ёшлар пресс-клубида Ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгашларининг ёш оилалар билан ишлаш йўналиши учун масъул ходимлари иштирокида ўқув-семинари ташкил этилди.

Дастлаб мутахассислар ўтган тўққиз ой мобайнида амалга оширган ишлари хусусида ҳисобот берди. Маълумотларга қараганда, жорий йилда ёш оилалар орасида 4 мингдан ортиқ ажрим ҳолати кайд этилган. Бу аввалги даврга қараганда бирмунча кўп. Ажримларнинг олдини олиш бўйича

фақат Жиззах ва Навоий вилоятларида жўяли иш олиб бориляпти. Қолган ҳудудлар муаммолигича қолмоқда.

Ёш оилалар орасига чуқурроқ кириб боришимиз керак, — таъкилади Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Дилноза Каттахонава. — Бирок жойлардаги вакилларимиз асосан ҳалокат ёқасига келиб қолган оилалар билан ишламоқда. Бу нотўғри. Энди тактикани ўзгартириш керак. Бугунги машғулотларни

шу мақсадда ташкил этдик. Зотан, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган афзал. Ўқув-семинари доирасида "Ёш оилаларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кўмаги" деб номланган янги лойиҳа тақдими ҳам ўтказилди. Шунингдек, эрта никоҳ ва эрта туғруқ, оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурига тақлифлар тайёрланди.

**Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА**

# ЯНА КЎРИШГУНЧА, СИРДАРЁ!

Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Сирдарё вилоятида ўтказилган “Ёшлар ҳафталиги” ўз якунига етди

Шерзод МАҲМУДОВ,  
Анвар ТҲИЧИЕВ



У 27 миллион сўм кредит маблағи ҳисобига Гулистон шаҳрида тикувчилик цехини ишга тушириб, тўққиз нафар кизнинг бандлигини таъминлади. Келгусида цех фаолиятини кенгайтиришни режа қилмоқда.

Ҳафталик доирасида Гулистон шаҳридаги бокс саройида “Шах-бокс” мусобақаси ташкил этилди. Рингда куч синашган ёшлар кизгин олишувдан



сўнг, шахмат ўйинига шўнғиб кетди. Тафаккур баҳсида 200 нафарга яқин спортчи қатнашди.

“Ёшлар ҳафталиги” якунида Гулистон шаҳридаги Ислом Каримов кўчаси бўйлаб 4 километр масофага югуриш марафони ўтказилди. Икки минг нафарга яқин спортсевар йигит-кизи иштирок этган пойгада ўғил болалардан Шаҳбоз Тилавов, кизлардан эса, Ҳатидой Йўлдошева маррага биринчи бўлиб етиб келди. Ҳатидой муносиб тақдирланди.

Шунинг билан Сирдарё вилоятида уч кун давом этган катта ёшлик байрами ўз ниҳоясига етди.



Лойиҳа давомида ёшлар муаммоларини ўрганиш, ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Юртимизда пахта терими ҳам бошланди. Далаларда иш кизгин. Мехнаткашлар ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш мақсадида Боев туманида-



лар теримчилар билан самимий мулоқот қилди. Илғор теримчиларга фахрий ёрлик, уяли алоқа воситалари, велосипед каби қимматбаҳо совғалар топширилди.

Гулистон туманида эса, “Ёшлар меҳнат гузари” очилди. Қувончли маросимда маҳаллий ҳокимлик, Ёшлар иттифоқи вакиллари, нуронийлар иштирок этди.

— Тижорат банкidan 700 миллион сўмлик кредит олиб, шу гузарни барпо этдим, — дейди ёш тадбиркор Обид Курбанов. — Унда новвойхона, тикувчилик цехи, савдо-сотик дўкони ишлаб турибди. 15 нафар ёш доимий иш билан банд.

Мадина Кенжаева ҳам ёш тадбиркорларга берилган имкониятдан унумли фойдаланган тенгдошларимиздан.

## ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Миллий кўргазмалар павильонида янги лойиҳа — “Хунармандлар шаҳарчаси”, “Расомлар хибони” ташкил қилинган. Ўзбек дизайнерлари яратган либослар, “Шарқ бозори” кўргазмаси фаолиятини йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, миллий павильондан мамлакатимиз ҳудудларининг маданияти, сайёҳлик салоҳиятини намоёниш этувчи тақдирот стендлари ўрин олган. Уларда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос миллий урф-одати, туризм имкониятлари намоёниш этилмоқда.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан илк бор ярмарка доирасида ахборот стенди тақдим этилди. Иштирокчилар ва меҳмонлар ишбу стендлар орқали туризм соҳасидаги хизматлар — лицензиялаш, аттестациядан ўтказиш ва семинар-тренинглари ҳақида маълумот олишлари мумкин.

Ўзбек ошонаси ўзининг мазали таомлари, ранг-баранг тайёрлаш усули билан машҳур. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон асрлар давомида нафақат маданиятлараро мулоқот маркази сифатида ном қозонди, балки турли давлатлар турфа таом-

ларини бир диёр ошонасида жамлай олди. Бу ярмарка доирасида ўтказилган анъанавий таом тайёрлаш — “Ипак йўли таъми” номи миллий таомлар фестивалида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ярмарка ва “Hosted Buyers” дастури иштирокчилари халқимизнинг савдо-сотик маданияти, миллий маънавият, ижодкорлик салоҳияти, меҳмондўстлик каби эзгу қадриятлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқда.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,  
ЎЗА муҳбири



## НОКИМ ВА YOSHLAR

### ЕЧИМИГА БИР ОЙ МУҲЛАТ

Шаҳноза ҲОЛИҚОВА

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий иштироҳат боғида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ёшлар билан учрашди. Тадбирни ташкил этишда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши жонбозлик кўрсатди.

Турли савол ва муножабатлар билан ҳокимга юзланган йигит-кизлар орасида Зилола Ҳудоёрова ҳам бор. Тенгдошимиз II гуруҳ ногирони. Кўп йилдан буён уйда кашта ва қурак тикади. У шахсий бизнесини очиб мақсадида банкдан имтиёзли кредит олишда кий-

налаётганини айтиб, ёрдам сўради. Мутасаддилар шу ва бошқа муаммолар кўпи билан бир ой ичида ҳал этилишини маълум қилди.

Мулоқотдан сўнг тадбир иштирокчилари ёш архитектор, дизайнер, хунарманд, фермер ва тадбиркорлар

томонидан ишлаб чиқилган махсулотлар, шунингдек, харбий техника ҳамда спорт анжомлари кўргазмасини томоша қилди.

Яқинда вилоят Сардорлар кенгашининг йигирма нафар янги вакили кўксига аъзолик кўкрак нишонлари тақилди.

## MUNOSABAT

### ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШГА ТАЙЁРМИЗ

Назозат АБДУҚУНДУЗОВА,  
Инновацион ривожланиш  
вазирлиги бўлими бошлиғи

Дунёда илмий-техник салоҳият тобора юксалмоқда. Инновацияларни жорий этиш иқтисодий ўсиш ва бозордаги рақобат муҳитини шакллантириш йўлидаги муҳим омилга айланди. Бу эса, барча соҳаларда илғор ишланмалардан самарали фойдаланишни тақозо этаётган.

Юртимиз ва хорижий давлатлар иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларини комплекс ўрганиш, шунингдек, республикамизда амалга ошириладиган ислохотлар жараёнини чуқур таҳлил қилиш натижасида Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқди. Мазкур муҳим ҳужжат 2019-2021 йилларга мўлжалланган бўлиб, Президентимизнинг жорий йил 21 сентябрдаги фармони билан тасдиқланди.

Инсон капиталини ривожлантириш инновацион тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон учун бирламчи масала саналди. Бу фуқароларимизга мавжуд институционал ва тизимли чегараларни ёриб ўтган ҳолда илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Меҳнаткаш, иқтидорли, шижоатли халқимиз. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Эндиги масала мана шу куч-салоҳиятти

инновацион фаолиятга йўналтиришдан иборат. Инновацион фикрлайдиган илмий-техник кадрларни тайёрлаш, уларнинг юқори касбий маҳоратга эга бўлишини таъминлаш вақти келди. Зотан, айнан шундай мутахассислар эртанги кунимизнинг хал қилувчи кучига айлана олади. Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида бу йўналишда бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Мамлакатимизда илмий фаолият олиб бораётган тадқиқотчи олимларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш механизминини яратиш, аҳолини олий таълим билан кенгрок камраб олиш шулар жумласидан.

Афсуски, тизимни илгидан емирган муаммолар кўп йиллар ечимсиз қолиб келаётганлиги. Ҳаётларимизни тан олмаслик учун ҳатто турли халқаро тадқиқот ва рейтингларда иштирок этишдан ҳам қочаётганлик. Албатта, натижаларимиз йўқ эмас. Аммо улар халқаро маълумотлар базалари ҳамда Глобал инновациялар индекси рейтингларида акс эттирилмаган.

Энди вазиятни ўзгартирамиз. Инновацион ривожлантириш стратегиясини халқаро эътироф этилган 81 кўрсаткичдан 34 таси бўйича амалга ошириш эъзаига жаҳондаги мавқеимизни сезиларли даражада яхшиладимиз мумкин. Қолаверса,

янги инновацион дастурлар, замонавий педагогик ва ақлли технологияларни жорий этиш орқали таълим сифатини оширишни ҳам кўзда тутганмиз.

Мамлакатнинг инновацион ривожланиши учун, аввало, ёшларни илм-фанга фаол жалб этиш керак. Шу маънода, соҳага киритиладиган инвестициялар миқдорини сезиларли равишда ошириб бориш режалаштирилган. Пировард натижада, тахминимизча 2021 йилга бориб интеллектуал мулкларнинг мамлакат ялли ички махсулотига улуши 0,8 фозга етади.

Бундан ташқари, истикболли илмий тадқиқотларни молиялаштириш учун инновацион фондлар, банклар ташкил этилади. Шу мақсадда ажратиладиган банк кредитларини олиш тартиби ва талабларини соддалаштириш ҳам кўзда тутилган.

Инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш тизимли жараён эканини унутмаслигимиз зарур. Давлат, халқ ва бозор талабларини бир нуқтага жамлаб, илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишланмаларини яратишдан то амалиётга жорий этишгача бўлган барча босқичларда шиддат билан олдинга чиқиб олиш биз учун жуда муҳим. Имкониятнинг қўлдан бой бермасак бўлгани.

## TASHABBUS




Нидерландияда Иккинчи жаҳон уруши пайтида Смоленск яқинида асирга олинган ҳамда нацистлар томонидан қийноққа солиб ўлдирилган 101 нафар ўзбек йўлчи китоб ёзилди. Яқинда унинг муаллифлари — Анвар Иргашев, Юлия Медведовская, шунингдек, тадқиқотчи Ремко Рейдинг ҳамда Голландиянинг “Шон-шухрат майдони” фонди экспертларидан иборат делегация юртимизга таширф буюрди.

5 октябрга қадар мутахассислар Қарши, Бухоро, Самарқанд ва Чирчик шаҳарларида бўлиб, фашистларга қарши собит ирода билан курашган ҳамда сўнгги нафасигача ёғийга таслим бўлмаган ватандошларимиз ҳақидаги архив ҳужжатларини ўрганади, ҳар бирининг шахсини аниқлашга ва қариндошларини излаб топишга ҳаракат қилади. Шунингдек, скандинавиялик олимлар “101” романи асосида бадиий фильм яратиш жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Кинолентани Ўзбекистон, Россия, Германия ва Голландияда суратга олиш режалаштирилган.

Айтиш керак, лойиҳа Президентимизнинг жорий йил 24 июлдаги “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Та-

шаббусни “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда унинг қошидаги Кинофотографияни ривожлантириш маркази қўллаб-қувватлаган.



Делегация аъзолари иштирокидаги дастлабки учрашув Ёшлар пресс-клубида бўлиб

ўтди. Кейинги кунни меҳмонлар Қашқадарё вилоятига йўл олди.

Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида Ремко Рейдинг ва унинг ҳамроҳлари ёшлар билан мулоқот қилди.

— Йигирма йил муқаддам юртимиздаги совет харбий кабристонига 865 нафар номасълум аскар қўмилгани, шундан 101 нафари Ўзбекистондан экани ҳақида хабар топдим, — дейди Ремко Рейдинг. — Маълум бўлишича, улар урушининг биринчи ҳафтасида асирга олинган, Голландияга юборилган. Нацистлар осийдиқлар бир бурда нон учун бир-бирини қандай ғажишини кинокамерага тасвирга олмакчи бўлган. Бирок ўткир тиканли панжара орқидан улоқтирилган емаки аскарлар тенг бўлиб егани уларнинг хафсаласини пир қилади. Концлагерда сақланган ўзбек махбۇсларидан тўққиз нафарининг портретини топганмиз. Лекин фақат бир жуфтда исм-фамилия ёзилган — бири Ҳотам Қодиров, иккинчиси Зойир Муродов. Тахминимизча, Зойир Муродов қашқадарёлик бўлиши мумкин.

Делегация ўз миссиясини Самарқанд шаҳрида давом эттирмоқда.

Муҳбиримиз

## BUGUNNING GAPI

# РЕАЛ ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ

нега айрим тенгдошларимиз ҳаётини ўзгартириш ўрнига ўзини панага олмоқда?

Наргиза УМАРОВА

**Инсон нимагадир интилиши, ҳатто оддийгина қадам ташлаши учун хоҳиш-ирода ва куч-матонат керак. Мақсадлар рўёбида ҳам шундай: ички қувват асосида олдинга интилмагунингча атрофингда ҳеч нарса ўзгармайди. Бир жойда қотиб турган одам юксалиши, кўзлаган маррага етиши амримаҳол. Бу ҳам ҳаёт, ҳам табиат қонуни.**

Хўш, мулоҳазаларимиз боиси нима? Яна бугунги ёшлар ва улар барпо этадиган мамлакат эртаси хусусида сўз очмоққа жазм этдик. Зотан, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий тараккиятнинг бир босқичидан иккинчисига ўтиш чоғида ушбу мавзу, сўзсиз, долзарб бўлиб қолаверди. Тафаккурга тинчлик бермай, кишини қайта ва қайта мушоҳада юритмоққа ундайди. Ҳарқалай, ҳозир жим ўтиришга ҳақимиз ҳам, асосимиз ҳам йўқ!

Яқинда Россияда бўлиб қайтдим. У юртинги Ёшлар иттифоқи Хабаровск шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёш лидерларининг навбатдаги форумини ўтказди. Шу ўринда кичик эслатма: мазкур лойиҳа доирасида ўз ватанининг юзи ҳисобланган йигит-қизлар жиддий мавзуларни муҳокама этади, кизгин мунозараларга киришади. Аммо бу сафарги форумда бошқа масалалардан ҳам кўра (ҳаммаси ўзига яраша долзарб, албатта), ки-

чик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари иштирокчиларнинг алоҳида диққат-эътиборида бўлди. Сабаби тушунарли. Ахир, замонавий дунёда биронта ҳам давлат йўқки, иқтисодий қудратини ошириб, пировард натижада халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашга интилмас.

Молиявий барқарорлик халқ фаровонлигини таъминловчи муҳим восита экани ҳам исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Шуниси аниқки, ҳар иккисига фақат тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш, сармоядорларни ишончли ҳимоя қилиш орқалигина эришиш мумкин. Буни жаҳон сахнидаги кўплаб мамлакатлар раҳбарлари жуда яхши англайди. Бежиз эмаски, улар тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, керак бўлса, сиёсий ҳамкорига айлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Юқоридаги манзара Ўзбекистонда кечаётган изчил ислохотлар фониди ҳам яққол намоён бўлаётган. Яна бир муҳим қайд: иқтисодий юксалиш йўлида биз асосан ёшларнинг азму шижоатига таянганмиз. Фахрланарлиси, ёш тадбиркорлар каттамини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар юртимизда аллақачон давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу эса, ҳазилакам гап эмас. Мазкур ҳолат ёшлар тадбиркорлиги навқирон мамлакат учун қанчалик принципиал аҳамият касб эттишини кўрсатади.

Исбот керакми, марҳамат. Давлатимиз ижтимоий фаолиятнинг айнан шу тармоғи раванқ топишини хоҳлаб, ҳеч қандай маблағни аяётгани йўқ. Жорий йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурда ҳатто “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси тузилди. У июнь ойида тасдиқланиб, кучга кирган шу номдаги Давлат дастури доирасида амалга оширилган энг йирик ташаббуслардан биридир. Ҳарқалай, муҳими бу эмас. Янги тузилма нима мақсадда ташкил этилгани кўпроқ аҳамиятга эга. Жавоб эса, қуйидагича: жамғарма маблағлари (эътибор беринг: ҳар йили 100 мил-



Иқтисодий юксалиш йўлида биз асосан ёшларнинг азму шижоатига таянганмиз

“Берсанг – ейман, урсанг – ўламан” дея боқимандалик қайфиятидан қутулолмаётган ёшларга мамлакат тақдирини ишониб бўлмайди

лион АҚШ доллари!) ёшларнинг инновацион бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатда ёшлар тадбиркорлиги ривожланади, қарабсизки, ишсизлик муаммоси ҳам барҳам топа бошлайди.

Бир қарашда, касб-хунар коллежини эндигина тамомлаган йигит ёки кизга банклар шахсий бизнесини бошлаши учун бор-йўғи йиллик 7 фоиз ставка асосида, тагин имтиёзли давр билан нақ йигирма йилга кредит тақдим этаётгани оддий

ҳолдек туюлиши мумкин. Энди қулочни кенгрок ёйиб кўрайлик. Узокка эмас, қўшни республикаларга бир-бир назар ташласак, биронтасида ҳам тадбиркорлик қилмаган деган одам етти тутул, ўн ёки йигирма фоизга ҳам кредит ололмаслиги аёнлашади. Бу гапни осмондан олиб айтаётганимиз йўқ. Ёдингизда бўлса, юқорида ШХТ ёш лидерларининг форумини тилга олгандик. Ана ўша анжуманда қатнашган баъзи давлатлар тадбиркорлари ўз юртида кредит бўйича юқори фоиз ставкалари сақланиб қолаётгани ҳақида афсус-надомат билан гапирганди. Шундай экан, Ўзбекистонда яратилган шароитлар уларга жаннатдек туюлиши аниқ. Бундан бошимиз кўкка етади-ю, бироқ танганинг иккинчи томони борлигини ҳам унутмаслик даркор.

Аслида давлат ёшларга битта лойиҳанг учун фалон миллионгача гаровсиз пул бераман, марҳамат, ол ва ҳаракатингни бошла, деб турган бир пайтда шу чокқача ҳамма бўлмаса ҳам, ҳарқалай, жуда кўпчилик банкларнинг эшигини қоқиб келиши керак эди. Лекин амалда ундай бўлаётгани йўқ. Ёшлар иттифоқининг

Давлат ёшларга битта лойиҳанг учун фалон миллионгача гаровсиз пул бераман, марҳамат, ол ва ҳаракатингни бошла, деб турган бир пайтда шу чокқача ҳамма бўлмаса ҳам, ҳарқалай, жуда кўпчилик банкларнинг эшигини қоқиб келиши керак эди. Лекин амалда ундай бўлаётгани йўқ

махсус вакиллари ўтган уч ой мобайнида 5 миллион 800 мингга хонадонга кириб, 8 миллионга ёш билан суҳбатлашиб чиққандан кейин ҳам, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси маблағларининг жуда оз қисми ўзлаштирилгани кишини таажжубга солади. Парадоксал ҳолат, шундай эмасми? Таассуфки, бор гап шу! Ҳақиқатдан юз ўгиролмаймиз.

Мана энди дўппини четга кўйиб, шошилмай мушоҳада юритиб кўрайлик: иш йўқ, турмуш ёмон, ойликка яшаб бўлмайди, дея ай-юханнос солишга одатланиб қолган айрим тенгдошларимиз нега ҳозир – ҳаётини яхшилаш учун реал имконият яратиб берилган пайтда майдонга чиқмапти, нега ўзини панага олмоқда? Ҳа, яшанг. Мақо-ланнинг бошида айтилган фикрга қайтамыз: инсон хоҳиш-иродасига таяниб олдинга интилмагунинча атрофида ҳеч нарса ўзгармайди. Содда қилиб айтганда, мақсадларни рўёбга чиқариш учун меҳнат қилиш керак, дўстлар! “Берсанг – ейман, урсанг – ўламан” дея боқимандалик қайфиятидан қутулолмаётган ёшларга мамлакат тақдирини ишониб бўлмайди. Чунки бу тоифа

ятда бундай шахслар борлигини очиб-ойдин тан олишга тўғри келади. Аммо нима ҳам қила олардик, пешонамиз шўр экан, дея қўл ко-вуштириб ўтириш ярамайди, ахир. Бу келгуси авлодларга хиёнат билан баробар эканини унутмаслик керак!

Бирланган ўзади, деган нақл бор. Демак, қанчалик қийин ва аламли бўлмасин, шахсий ҳаловатдан воз кечиб, юрт равнақига қамарбаста бўлмоққа чоғланганимиз зарур. Ахир, давлатнинг ўзи бу ишда бизга ёрдам қўлини чўзмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин хонавайрон бўлган Япония ҳукумати каби у ўз фуқароларидан охириги мулкнинг газнага топширишини, ҳатто қулоғи-пангага қўлини сирғасигача ечиб бериш-ни сўраётгани йўқ. Аксинча, халқ, инчунун, ёшлар илму маърифати, маънавий баркамоллигию молиявий барқарорлиги учун ҳеч нарсани аямасликка тайёр. Инсонпарварлик, жонқуярлик бўлса шунчалик-да!

Ишсизликни кўрмаган (илоё, кўр-масин ҳам), ҳур мамлакатнинг эркин фарзандлари бўлиб яшаш пенаосига битилган, истиқлол берган жамийки неъматлардан баҳраманд бўлиб кела-

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида фаолият кўрсатаётган “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ёшларнинг инновацион бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирляпти. Бунинг натижасида, ишсизлик муаммосига барҳам бериш кўзда тутилган**

шахсий муаммолари гирдобдан чиқишга қодир эмас. Арзимас масалаларга ечим тополмаганидан кейин, умумманфаатга хизмат қила оладиган қатта ишларга қўл уриши ҳам амримаҳол-да.

Қанчалик оғир бўлмасин, жами-

ётган бугунги авлод вакилларига айтар гапимиз битта: ношукр бўлманг, ҳаракатдан сира тўхтаманг, бирдамликни шиор айлаб, бор куч-салоҳиятингни энг улуг мақсад — Ўзбекистонимиз тараккиёти йўлида сафарбар этинг! Илло, ҳамжихатликда гап кўп!

## АСЛО ТИНИМ БИЛМАЙДИ

Жаҳонгир РАҲМАТОВ, талаба

Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ўқитувчиси Дўстмурод Эшимовни жонқуяр устоз, дейиш аслида ҳеч нарса демасликдир. Сабаби у таълим-тарбия ишини ҳаётининг мазмунига айлантира олган ростмана фидойи инсондир.

Дунёда касблар кўп. Аммо улар ичида энг улуғи ва шарафлиси — ўқитувчи ва мураббийлик. Дарҳақиқат, келажак авлоднинг маънавий олами ва тафаккурини ўстиришга кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини бахшида этаётган устозлар меҳнатини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди.

Ҳадис илмининг сultonи Имом Бухорий:

“Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган”, — деган эди. Ҳақ гап. Дўстмурод Эшимов бу ҳикматни ҳаётининг шиори қилиб олган.

Устоз 1945 йилда Жиззах вилояти Фориш туманидаги зиёли оилада таваллуд топди. Тилсиз жониворларга бўлган меҳр ва қизиқиш уни Самарқанд кишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария факультетига етаклади. Дўстмурод аканинг меҳнат фаолиятига назар солар экансиз, халқимиз ибораси билан айтилган “Дарахт бир жойда кўқаради” нақлининг амалий ифодасини кўрасиз. Ўқишни тамомлагач, бўлгуси муаллим кадрдон олийгоҳида қатта лаборант сифатида ишлаб бошлайди. Аста-секин кафедра мудири даражасигача кўтарилди. Ҳозир ҳам шу лавозимда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Устознинг тиришқоқлиги, изланувчанлиги, талаба-ёшларга бўлган меҳрини кўриб ҳавасингиз келади. Куч-қувват сизни асло тарк этмасин, деймиз.

## ИЛМ ВА МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПИБ

Элёр ТОШМАТОВ, Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти катта ўқитувчиси

Умр — инсоннинг икки эшик орасидаги йўли. Унинг бир томони саодатли бўлса, иккинчи томони армонлидир. Шундай одамлар борки, қанчалик машаққат чекмасин, матонат билан меҳнат қилиб, кўзлаган мақсади сари интилаверади.

Касбга муҳаббат кишини улуглаши бор гап. Чиндан ҳам ўз соҳасида юксалган инсонларнинг ҳаёт китобига назар ташласак, касбига садоқати уларни нури манзилга зилтанга гувоҳ бўлдимиз. Техника фанлари доктори, академик Мирзиёд Мирсаидовга ҳам ана шундай бахт nasib этган.

Устоз умрининг қарийб эллик

йилини илм ва таълим-тарбияга бағишлаб, юртимизда математика фани ривожига улкан хисса қўшди. Олим икки юздан ортик илмий ишланма, дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар яратган. Мақолалари Япония, Сингапур, Италия, Австрия, Хорватия, Россия, Украина каби давлатларда чоп этилган.



Мирзиёд Мирсаидов 13 нафар шоғирдини фан номзоди, уч нафарини фан доктори даражасига етказди. Айни вақтда жонқуяр педагог Тошкент

ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти назарий ва қурилиш механикаси кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У киши дарс жараёнида янги ва илгор педагогик технологиялардан фойдаланиши билан ҳам талабалари, ҳам касбдошларининг эътибору эътирофига сазовор бўлган.

Ҳа, ютуқларни санаб ўтиш, улар билан гурурданиш осон. Лекин илм йўли ўзига яраша мураккаб, синовлидир. Мирзиёд Мирсаидов турмуш ўртоғи Тожиҳон опа билан бир киз, икки ўғилни жамиятга нафи тегадиган инсонлар қилиб воғая етказди. Фарзандларининг бири Сингапурда, бошқаси Германияда илмий изланиш олиб бормоқда. Улар оталарига муносиб бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ишончимиз қомилки, устознинг қалб кўридан чиқаётган зиё нури ҳали қўллаб ёшлар учун йўлни юлдуз вазифасини ўтайди.

## PSIXOLOG MASLAHATI

— O'g'lim 4-sinfga o'tdi. Avvallari maktabda tushlik qilib olishi uchun uydan u-bu narsa berib yuborardim. Endi esa, u pul so'rayapti. Dadasi qarshi emas, lekin menga bu narsa xush kelmayapti. Boshlang'ich sinf bolalari maktabga pul olib borishi qanchalik to'g'ri?

Zarnigor JO'RAYEVA  
Uychi tumani



Savolga ruhshunos Ma'ruf KUBAYEV javob beradi:

— Birinchidan bola nega shuncha vaqt o'tib endi pul so'rayotganiga ahamiyat qaratish lozim. 12 yoshdan insonda o'smirlik davri xususiyatlari shakllana boshlaydi. U do'st-birdarlari, sinfdoshlaridan qolishmaslikka, aniqrog'i, kam bo'lmislikka harakat qiladi.

Ba'zilar cho'ntagida puli bo'lmasa, o'rtolarim meni davrasiga qo'shmaydi, deb o'ylaydi. Natijada, o'ziga bo'lgan ishonchi pasayadi. Bolaga oz-moz pul berib turish mumkin, lekin unga mablag'ni qanday sarflash kerakligini ham, albatta, tushuntiring.

## NUQTAYI NAZAR

## Vaqt kutib turmaydi

Ma'mura XO'JAQULOVA

Norboy amaki maktabimizda qorovul bo'lib ishlaydi. Negadir yuzidan doimo horg'inlik alomatlari seziladi. U G'afur G'ulomning "Vaqt" she'rini juda yaxshi ko'radi va har misrasini ko'zda yosh bilan aytadi:

Bir oning bahosin  
o'lchamoq uchun  
Oltindan tarozu,  
olmosdan tosh oz.  
Nurlar qadami-la  
chopgan sekundning  
Barini tutolmas  
ayyuhannos ovoz.

Norboy amaki miyig'ida kulgancha: "She'rni qayta-qayta o'qisamda undan yangi ma'no topib, shoir nechog'liq haq ekaniga yana bir bor amin bo'laman", — deydi.

— Nega ishim bo'lmas ekan?! Axir, hayotda ko'p narsani ko'rganman. Bilmay qadam bosib shu ahvolga kelib qoldim-ku. Men yo'l qo'rgan xatolarni takrorlama deymen-da, bolam. Eh, qaniydi o'ringda bo'lib qolsam...  
Qiziquvchanligim tutib bir kuni buvamdandan Norboy amaki haqida so'radim. U kishi yoshligida tengdoshlariga qaraganda ancha bilimli va tirishqoq bo'lgan ekan. Ammo chet elda o'qib kelgach, butunlay boshqa odamga aylanib, ichkilikka ruju qo'yibdi. Institutdan ham haydali ketgan ekan. Shundan so'ng qishloqqa qaytib, maktabga qorovul bo'lib ishga kirgan. "Ota-onasidan qolgan kichik hovlisi bor, lekin u yerda yashamaydi. Onda-son-

da xabar olib ketmasa, kuni maktabda o'tadi", — deydi bobom.

\*\*\*

Bu yili to'rtinchi kursga o'tdim. Hademay oliygohni tamomlab katta hayotga qadam qo'yaman. Bundan xursand bo'laman. Lekin, boshqa tomondan, talabalik davrim poyoniga etib borayotgani biroz alam qiladi. Inson bilim olish uchun barcha imkoniyatlardan foydalanishi kerak. Afsuski, ba'zi tengdoshlarimiz vaqtini bo'lar-bo'lmas ishlarga sarflaydi. Ota-onam uzoqda, nima bilan bandligimni bilmaydi deguvchilar ham bor. Bunday yondashuv bilan uzoqqa borib bo'lmaydi. Umr yo'lining bir bektidan ikkinchisiga borar ekanmiz bizdan yaxshi nom qolishi uchun hozirdan o'tni qamchilamoq zarur. Illo, shoir yozganidek:

Har laha zamonlar  
umridek uzun.  
Asrlar taqdiri  
lahzalarda hal.  
Umrndan o'tajak  
har laha uchun  
Qudratli qo'l bilan  
qo'yaylik haykal.



## Sport va yana sport!

Yoshlar ittifoqining Navoiy viloyati kengashi "Sport haftaligi" doirasida shaxmat bo'yicha turnir tashkil etdi. Unda shaxmat to'gariga a'zo bolalar bilan bir qatorda Navbahor tumani ichki ishlar boshqarmasi profilaktik hisobida turgan yosh-

lar ham ishtirok etdi. Aql bahsiga katta qiziqish bilan kirishgan yigit-qizlar sport insonning ma'naviy kamoloti yo'lida xizmat qilishiga yana bir karra amin bo'ldi.

Sh.G'AYBULLAYEV fotolavhasi

## YOSHLIK ILHOMI

## Achchiq qismat

Fayzixon IBROHIMOVA

Sakkizinchi oktabr. Bugun men yaraldim, lekin ota-onam bundan bexabar. Hali juda kichkinaman, hatto olma urug'ichalik ham emas. Muhimi, men borman va buni hech kim inkor eta olmaydi.

O'n beshinchi oktabr. Biroz kattalashgan bo'lsam-da, harakat qilolmayman. Onam yuragining shundoqqina pastida joylashib olganman.

Yigirma ikkinchi oktabr. Og'zim shakllana boshladi. Bir yildan so'ng men ham maza qilib kuladigan bo'laman, keyin tilga kiraman. Kim mening borligimni inkor eta oladi? Noning ushug'i ham non, to'g'rimi?

Yigirma to'qqizinchi oktabr. Yuragim ura boshladi. Bundan keyin umrimni oxirigacha dukillab urib turadi. Uni zavqu shavqqa to'ldiraman hali.

O'n ikkinchi noyabr. Endi barmoqlarim bor. Hali ular bilan sochlarimni tarayman, odamlarga yaxshilik ulashaman. Sizga bir sirni ochay: qiz bolaman.

Yigirma oltinchi noyabr. Bugun onam shifoxonaga bordi. Dunyo-

ga kelishimni bilib rosa quvongan bo'lsangiz kerak-a, oyijon? Yaqinda meni qo'lingizga olasiz...

O'ninchi dekabr. Endi atrofini bemalol ko'ra o'lyapman. Faqat qorong'u joydaman, xolos. Animo baribir baxtiyorman. Yaqinda yorug' olamni ko'raman.

Yigirma to'rtinchi dekabr. Onajon, men sog'lom o'syapman. Tezroq tug'ilishni, bag'ringizda maza qilib uxlashni xohlayman.


Yigirma sakkizinchi dekabr. Oyijonim yana shifokorga keldi. Yo'q-yo'q, nimalar deyapsiz, onajon? Rizqni Alloh beradi-ku.

Yigirma to'qqizinchi dekabr. Eh, onajonim, nega tug'ilishimni istamayapsiz? Nega jajji qo'llarim bilan yuzingizni silashimni, sizga erkalanishimni xohlamaysiz. Meni eshiting, oyijon. Afsus... Tanim og'riyapti. Judayam og'riyapti. Meni qutqaring. Onajoon..!

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Magistraturaga shartnoma asosida o'qishga qabul qilindim. Hozir yarim stavkada ishlayman. Oyligimni kontrakt to'loviga yo'naltirsam, mendan daromad solig'i olinadimi?

Mirbosit MIRVAFOYEV  
Toshkent shahri



Savolga Toshkent shahar Davlat soliq boshqarmasi xodimi Mansur ISRAILOV javob beradi:

— Soliq kodeksiga ko'ra, fuqarolarning soliq solinadigan ish haqi va boshqa daromadlarining O'zbekiston oliy o'quv yurtlarida ta'lim olish uchun (o'zining o'qishi yoki yigirma olti yoshga to'lmagan

farzandlarining o'qishi uchun) yo'naltiriladigan summalariga soliq solinmaydi. Ya'ni, siz o'qishingiz uchun oylik ish haqini yo'naltiradigan bo'lsangiz, undan daromad solig'i ushlab qolinmaydi.

## MULOHAZA UCHUN MAVZU

## Otabeklar afsonaga aylanmasa edi

Muqaddas MUSAYEVA

"Chorsu" metro bekatidan chamasli ellik yashar ayol qo'lida og'ir yuk bilan poezdga chiqdi. O'rindiqlarni talabalar band etgan. Qizlar suhbatdan to'xtamaydi, yigitlarning esa, qulog'i "band", ular boyagi ayolga ahamiyat berayotgani ham yo'q. Onaxon uzoq sukut saqlab turdi. So'ng jahl bilan yukini yigitlarning yoniga qo'ydi.

Ensasi qotgan o'smir o'rindan turdi. Do'sti esa, kulib: — "Shustriy" ekanmi? — dedi. — Nimasini aytasan...  
Ikkiyulon pichirlashib o'sha ayolni muhokama qilishda davom etdi. Bu holatdan qattiq ranjdim.

Mahallamizdagi Mashhura opa tong sahardan ishga o'tanib, kechasi uyga bir talay to'rva-xaltalar ko'tarib qaytadi. Ro'zg'or tashvishi sho'rlikni qiyab qo'ygan. Turmush o'rtog'i Murod aka esa, uyga faqat ovqat yegani, uxlagani kiradi, xolos. Bir kuni ko'chadan o'tib ketayotib, o'sha nokasning ulfatlari bilan suhbat

qulog'imga chalindi: — Kecha choyxonadan kechayotgan, Sobitning nevarasi Nazira oyog'ida krossovka, yana tor shim kiyib olib ishdan qaytapti. Otasi qanday qilib uni qurilish firmasiga ishlashga qo'ygan, hayronman. Qiz bola bo'lsa, 20-30 nafar erkak ichida nima qiladi?!


Tog'ni ura talqon qiladigan erkaklarning g'iybati ensangni qotiradi. "Xotiningizni qishin-yozin bozorda ishlatib, turmush tashvishini to'raligicha uning yelkasiga ortansiz. Vaqti kelsa, ayolingiz topgan puliga kayf-safo qilasiz", degim keldi-yu, o'zimni

bazo'r ushlab qoldim. Sobit buva nevarasini arxitektura yo'nalishida kontrakt to'lab o'qigan, axir. Mana endi u halol mehnat qilib, pul topyapti, oilasining kam-ko'stiga qarashyapti. Buning nimasi yomon?! Taassufki, Murod akaga o'xshagan dangasa, tekintomol borligi tufayli ayollar chet ellarga ketib, birovlariga xizmatkor bo'lib yuribdi.

Yetmishdan oshganiga qaramay, u yerdan o'tirishni o'ziga ep ko'rmay, kirakashlikni ermak qilgan buvam aytardi: — Bizning davrimizda boshlang'ich ta'lim fakultetida bir guruhda 20 nafar o'g'il, 15 nafar qiz o'qirdi. Yillar o'tib, ish yuzasidan qadrdon institutimga bordim. Ishonasanmi, talabalarning deyarli hammasi qiz. Afsus, farzand tarbiyasida erkaklarning hissi kama-yib boryapti. Bu ketishda imon-diyonati, lafzi halol Otabeklar Kumushbibilimiz uchun afsonaga aylanmasa bo'lgani!

Darhaqiqat, bugungi o'talarimiz vazifasini idamaygina ayolinging gardaniga yuklab qo'yib, o'zi aysh-ishratga berilsa, bunaqada oila qo'rg'oni darz ketishi aniq. Bunday muhitda tarbiyalanayotgan farzand erkak mas'uliyati nimadan iborat ekanini bilmay o'sadi. Bora-bora boqimanda bo'lib qolishi turgan gap. Shunisi asrasin, do'stlar.

## Karnayga yaxshi-da, "nag'masi" olamni tutar, Bechora shar yorilguncha dardini ichga yutar...



She'r-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.

**ENSİKLOPEDİK MA'LUMOT**

**KAVSHANDOZ** — xonadonga kiraverishda oyoq kiyimlari (kavush va boshqalar) yechiladigan maxsus joy.

**SARPARDA** — 1) musiqa asari boshlanadigan parda; 2) chapandoz doira usulida ijro etiladigan kuy va ashula nomi, ("Karim-qulbegi" deb ham ataladi); 3) o'zbek surnay yo'llaridan biri.

## O'QING, BU QIZIQ!

Sekinyurar deb ataluvchi jonivor -273 daraja sovuq hamda +151 daraja issiqqa dosh bera oladi. Qizig'i, unga hech qanday zahar ham kor qilmaydi.

Sayyoramizdagi okeanlar tubida 20 million tonna sof oltin zaxirasi mavjud. Shu kungacha Yer qa'ridan ushbu qimmatbaho metallning atigi 161 tonnasini qazib olingan, xolos.

Xitoyda ko'rshapalak omad elchisi sifatida e'zozlanib, uning tasviri turli buyumlarga tushuriladi.

## HIKMAT

Yomon yo yaxshilik qilg'ay har kishi, Shu yomon, yaxshini topmoqdir ishi.

Ibn SINO

## BILASIZMI?



Pora olish-berishda vositachilik qilish, shuningdek, manfaatdor shaxslar topshirig'i bilan porani bevosita berish: 9 million 215 ming so'mdan 18 million 430 ming so'mgacha jarima yoki ikki yildan besh yilgacha ozodlikni cheklash; yoxud besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanadi.

## MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yxatdan o'tgan.

## Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdaliyevich


## TAHRIIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,  
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeu,  
Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov,  
Nargiza Umarova – bosh muharrir o'rinbosari  
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina – bosh muharrir  
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),  
Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner  
Abdullayev  
Xurshid  
O'ktamjonovich

Navbatchi  
Erkin Abdusattorov

"YOSHLAR OVOZI" dan  
materiallarni ko'chirib bosish  
tahririyat ruxsati bilan amalga  
oshirilishi shart.  
belgisi bilan tijoriy  
materiallar chop etiladi.



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,  
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonamanzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Indekslar: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1036  
Adadi — 11583

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 23.00  
O'za yakuni — 22.55